

"Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги Қонун (ЎРҚ-803, 28.11.2022 й.) Президент томонидан имзоланди

Ушбу қонун кўчмас мулкнинг қуидаги турларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга нисбатан татбиқ етилади:

- ◆ ер участкаларига;
- ◆ биноларга, иншоотларга, шу жумладан қурилиши тугалланмаган обектларга;
- ◆ қўп йиллик дов-дараҳтларга;
- ◆ мулкий мажмуа сифатидаги корхонага.

Кўчмас мулкка бўлган қуидаги ҳуқуқлар ёки чекловлар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:

- ◆ мулк ҳуқуқи;
- ◆ доимий егалик қилиш ҳуқуқи;
- ◆ доимий фойдаланиш ҳуқуқи;
- ◆ мерос қилиб қолдириладиган умрбод егалик қилиш ҳуқуқи;
- ◆ ижара ҳуқуқи;
- ◆ иккиламчи ижара ҳуқуқи;
- ◆ хўжалик юритиш ҳуқуқи;
- ◆ оператив бошқариш ҳуқуқи;
- ◆ кўчмас мулкни ишончли бошқариш ҳуқуқи;
- ◆ белул фойдаланиш ҳуқуқи;
- ◆ renta;
- ◆ ипотека;
- ◆ сервитут;
- ◆ кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларга қўйилган чекловлар.

Биноларга, иншоотларга ҳамда қурилиши тугалланмаган обектларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу кўчмас

мулк жойлашган ер участкасига бўлган хуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмайди.

Кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдини шакллантириш учун қуйидагилар асос бўлади:

- ◆ ер участкаларининг белгиланганлиги (реализация қилинганлиги);
- ◆ бинонинг, иншоотнинг қурилганлиги ва фойдаланишга топширилганлиги;
- ◆ белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида қурилиши тугалланмаган обектнинг мавжудлиги;
- ◆ кўчмас мулкнинг бўлинганлиги;
- ◆ кўчмас мулкнинг бирлаштирилганлиги.

Давлат реестри кўчмас мулк, унга бўлган хуқуқлар, шунингдек хуқуқ егалари тўғрисидаги маълумотларнинг електрон базаси тарздаги тизимлаштирилган маълумотлар тўпламидан иборатdir.

Ушбу Қонун расмий еълон қилинган кундан еътиборан 3 ой ўтгач кучга киради.